

**СОҒЛОМ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА ОРХИДОМЕТРИК
ПАРАМЕТРЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ****Рузиев Ойбек Авлаевич**

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

Мақсад. Қандли диабет мавжуд болаларда орхидометрик параметрларни ўрганиш ва соғлом болалар кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил ўтказиш

Материаллар ва услублар. Бухоро вилоятларида истиқомат қилувчи ва доимий назоратида турувчи 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 112 нафар 1-тип қандли диабет мавжуд ўғил болалар олинган (I-гурух). Назорат гуруҳи сифатида Бухоро шаҳридаги 17-сон мактабнинг 7-17 ёшдаги 1248 нафар соғлом ўғил болалар орасидан тасодифий танлаш (Оуэн 1966) йўли билан 100 нафар амалий соғлом болалар танлаб олинган (II-гурух). Тадқиқот ишида жами 212 нафар болада япон олими Х.Такиахара таклиф этган метод билан тесткулометрия ўтказилган.

Натижаларнинг таҳлили. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган соғлом болаларда мойк ҳажмида изчил ўсиш кузатилган. Бу ўсиш физиологик ўсиш ва жинсий камолотга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ. 7-12 ёшли соғлом болаларда ўнг мойк ҳажми 3 дан-13 см³ гача ўсиб бориб, ўртача 5,6±0,12 см³ ни, чап мойк ҳажми 3 дан 12 см³ гача ўсиб бориб ўртача 5,3±0,14 см³ ни ташкил қилган. Ўнг мойк ўлчами 7 ёшда ўртача 3,5±0,09 см³ бўлиб, ҳар йили деярли барқарор тарзда ошиб борган. 8 ёшда 4,1±0,10 см³ (ўсиш темпи 17,14%), 9 ёшда 4,9±0,12 см³ (19,51%), ва 10 ёшда 5,6±0,13 см³ (14,28%) гача ўсганлиги қайд этилган. 11 ёшда бу кўрсаткич 6,5±0,13 см³ (16,07%) ва 12 ёшда кескин тарзда 9,2±0,14 см³ гача етиб, 41,54% ўсиш қайд этилган. Чап мойк ҳам шунга ўхшаш тарзда ўсганлигини кузатилган 7 ёшда 3,3±0,07 см³, 8 ёшда 3,9±0,09 см³ (18,18%), 9 ёшда 4,7±0,11 см³ (20,51%), 10 ёшда 5,3±0,10 см³ (12,76%), 11 ёшда 6,1±0,11 см³ (15,09%) ва 12 ёшда 8,7±0,16 см³ (42,62%) етганлиги маълум бўлган.

7-12 ёшли 1-тип ҚД мавжуд болаларда ўнг мойк ҳажми 3 дан-12 см³ гача ўсиб бориб, ўртача 5,4±0,11 см³ ни, чап мойк ҳажми 3 дан 12 см³ гача ўсиб бориб ўртача 5,2±0,12 см³ ни ташкил қилган. 7 ёшда ўнг мойк 3,4±0,10 см³, чап мойк 3,2±0,08 см³ ни ташкил этган. Бу бошланғич кўрсаткич сифатида қабул қилинган. 8 ёшда сезиларли ўсиш кузатилган — ўнг мойк 4,2±0,13 см³ (ўсиш темпи 23,53%), чап мойк 4,0±0,10 см³ (25%). Ушбу ўсиш статистик жиҳатдан ишончли ($p<0,05$). 9 ёшда ўсиш бираз секинлашган — 11,90% (ўнг) ва 15% (чап), 10 ёшда эса яна ишончли ўсиш қайд этилган — 5,5±0,09 см³ (ўнг) ва 5,4±0,10 см³ (чап) ($p<0,05$). 11 ёшда ўсиш суръати нисбатан паст — мос равишда 12,72% ва 11,11%, лекин ҳажмда барқарор ортиш мавжуд. 12 ёшда яна жуда катта сакраш кузатилган: 8,6±0,15 см³ (ўнг, 38,71%) ва 8,5±0,14 см³ (чап, 41,67%). Бу ўсиш ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p<0,05$). Ўртача кўрсаткичлар: ўнг мойк — 5,4±0,11 см³, чап мойк — 5,3±0,12 см³.

13-17 ёшли соғлом болаларда ўнг мойк ҳажми 11 дан-23 см³ гача ўсиб бориб, ўртача 17,8±0,25 см³ ни, чап мойк ҳажми 10 дан 22 см³ гача ўсиб бориб ўртача 16,9±0,23 см³ ни ташкил қилган. 13 ёшда ўнг мойк ҳажми 13,8±0,22 см³, чап мойк ҳажми 12,4±0,19 см³ ни ташкил этган. Бу 12 ёшга нисбатан жуда катта ўсиш бўлиб, ўнг мойкда 50,00%, чап мойкда эса 42,52% ўсиш қайд этилган ($p<0,05$). Бу ўсиш ўсмирликнинг бошланиши ва жинсий етилишнинг фаол даври эканини кўрсатади. 14 ёшда ўнг мойк 16,7±0,29 см³ гача (21,01%), чап мойк 15,8±0,21 см³ гача (27,42%) ўсганлиги қайд этилган. 15 ёшда ўсиш суръати секинлашиб, ўнг мойкда 18,4±0,28 см³ ни (10,17%), чап мойк 17,6±0,27 см³ ни

(11,39%) ташкил этган. 16 ва 17 ёшда мойяк хажмлари барқарорлашиб, ўсиш суръати пасайган: 16 ёшда ўнг мойяк $19,8 \pm 0,32 \text{ см}^3$ (7,60%), чап мойяк $18,9 \pm 0,29 \text{ см}^3$ (7,38%), 17 ёшда эса мос равишда $20,8 \pm 0,30 \text{ см}^3$ ва $19,9 \pm 0,28 \text{ см}^3$ (ўрт. 5%) қайд этилган. Ўртача кўрсаткичлар 13–17 ёш оралиғида:

- Ўнг мойяк: $17,8 \pm 0,25 \text{ см}^3$, бу 7–12 ёш ўртачасига нисбатан 217,86% ўсган.
- Чап мойяк: $16,9 \pm 0,23 \text{ см}^3$, бу ҳам 218,87% ўсишни ташкил қилган.

13-17 ёшли 1-тип ҚД мавжуд болаларда ўнг мойяк хажми 10 дан-21 см^3 гача ўсиб бориб, ўртача $16,0 \pm 0,22 \text{ см}^3$ ни, чап мойяк хажми 10 дан 20 см^3 гача ўсиб бориб ўртача $16,0 \pm 0,20 \text{ см}^3$ ни ташкил қилган. Жами ўсиш суръати тахминан 70% атрофида. 13 ёш пубертат даврининг бошланиш босқичи ҳисобланади. 12 ёшга нисбатан ўнг мойякда 34,88%, чап мойякда эса 34,12% ўсиш кузатилган. Бу ўсиш юқори суръатда бўлиб, яқинда бошланган жинсий етишиш жараёнини акс эттиради. Статистик жиҳатдан ишончли фарқ аниқланган.

14 ёшда ўнг ва чап мойякларнинг ўртача хажми бир хилда $13,8 \text{ см}^3$ ни ташкил қилди ва 13 ёшга нисбатан мос равишда 18,96% ва 21,05% ўсиш қайд этилган. Бу босқичда ўсиш суръати камроқ бўлса-да, барқарор давом этаётгани кузатилган. 15 ёшда ўнг мойяк ўртача $16,4 \text{ см}^3$, чап мойяк $16,6 \text{ см}^3$ хажмга эга эканлиги кўринган. Аввалги ёш гуруҳига нисбатан ўсиш мос равишда 18,84% ва 20,29% ни ташкил қилган. Мойяк хажмидаги ошиш ҳали ҳам фаол давом этмоқда, бу даврда пубертат жараёнининг ўрта босқичи кузатилган. 16 ёшда мойяк хажми ўнгда $18,6 \text{ см}^3$, чапда $18,8 \text{ см}^3$ гача етган. Аммо ўсиш суръати мос равишда 13,41% ва 13,25% гача секинлашган. Бу ҳолат пубертатнинг юқори босқичига етиб борганлигини англатади. 17 ёшда ўнг мойяк $19,7 \text{ см}^3$, чап мойяк $19,6 \text{ см}^3$ гача ўсган. Лекин ўсиш суръати жуда кам – мос равишда 5,91% ва 4,25%. Бу ҳолат пубертат жараёнининг деярли якунланганини кўрсатади.

Хулоса: 1-тип ҚД мавжуд 7–12 ёшли ўғил болаларда ўнг мойяк $0,2 \text{ см}^3$ га орқада қолади, чап мойякда эса бу фарқ сезилмади. 13-17 ёшли гуруҳда эса 1-тип ҚД мавжуд болаларда орқада қолиш ўнг мойякда $1,8 \text{ см}^3$ ни, чап мойяк $0,9 \text{ см}^3$ ни ташкил қилди. 7- ёшдан 17 ёшгача мойякларнинг ўсиш темпи соғлом болаларда 218% ни, 1-тип ҚД мавжуд болаларда ўртача 70% ни кўрсатди. Мойякларнинг ўсишдан орқада қолиши 13 ёшдан кейин яққол намоён бўлди.